



ИНФРАТУЗИЛМА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Каримов Бехруз

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0004-6252-2688
bexruz.karimov@imv.uz

Аннотация. Ушбу мақолада инфратузилма ривожланишининг иқтисодий моҳияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Инфратузилманинг иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, иш ўринларини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш ва аҳоли турмуш сифатини оширишдаги роли очиб берилган. Халқаро тажрибалар таҳлили асосида инфратузилмани молиялаштиришнинг замонавий моделлари (давлат-хусусий шериклик, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молиявий институтлар кредитлари) ҳамда уларнинг Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари кўрсатилган. Муаллиф инфратузилмани барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий стратегик омили сифатида баҳолайди.

Калит сўзлар: инфратузилма, иқтисодий ривожланиш, инвестиция, давлат-хусусий шериклик, молиялаштириш, самарадорлик, барқарорлик.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ

Каримов Бехруз

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье научно проанализирована экономическая сущность развития инфраструктуры. Раскрыта роль инфраструктуры в ускорении экономического роста, создании рабочих мест, привлечении инвестиций и повышении качества жизни населения. На основе анализа международного опыта рассмотрены современные модели финансирования инфраструктуры (государственно-частное партнёрство, прямые иностранные инвестиции, кредиты международных финансовых институтов), а также показаны возможности их применения в условиях Узбекистана. Автор приходит к выводу, что инфраструктура является ключевым стратегическим фактором обеспечения устойчивого экономического развития.

Ключевые слова: инфраструктура, экономическое развитие, инвестиции, государственно-частное партнёрство, финансирование, эффективность, устойчивость.

THE ECONOMIC ESSENCE OF INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT

Karimov Bekhruz

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article provides a scientific analysis of the economic essence of infrastructure development. The study highlights the role of infrastructure in accelerating economic growth, creating jobs, attracting investments, and improving the quality of life. Based on international experience, the paper examines modern models of infrastructure financing (public-private partnerships, foreign direct investments, and loans from international financial institutions) and explores their applicability in the context of Uzbekistan. The author concludes that infrastructure is a key strategic factor in ensuring sustainable economic development.*

Keywords: *infrastructure, economic development, investment, public-private partnership, financing, efficiency, sustainability.*

Кириш.

Замонавий глобал иқтисодиётда инфратузилма нафақат иқтисодий ўсишнинг “устун устуни” сифатида, балки жамиятнинг турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни белгилайдиган асосий омил сифатида ҳам қаралади. Инфратузилма деганда транспорт (автомобиль ва темир йўллари, ҳаво ва денгиз портлари), энергетика тармоқлари (электр энергияси, газ ва қайта тикланувчи манбалар), сув таъминоти ва канализация тизимлари, телекоммуникациялар (интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари) ҳамда ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой инфратузилмаси) каби соҳалар тушунилади.

Иқтисодий назария нуқтаи назаридан қаралганда, инфратузилма давлат ва хусусий сектор учун мултипликатив самарага эга бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, бозорлар ўртасида самарали алоқалар ўрнатади ва инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратади. Масалан, Aschauer (1989) таъкидлаганидек, давлат сармоялари инфратузилмага йўналтирилганда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли драйвери сифатида намоён бўлади. Шу боис кўпгина мамлакатлар стратегик ривожланиш дастурларида инфратузилмани устувор йўналиш сифатида белгилайди. Шу билан бирга, инфратузилманинг самарадорлиги унинг сифат даражаси ва узлуксиз модернизацияга боғлиқдир. Зеро, замонавий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ахборот технологиялари, “яшил” энергетика, интеллектуал транспорт тизимлари ва рақамли хизматлар каби илғор йўналишларни ўз ичига олган инфратузилмасиз таъминланмайди.

Инфратузилма ривожланиши фақат иқтисодий ўсиш омили сифатидагина эмас, балки ижтимоий барқарорлик, ҳудудий тенглик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, инфратузилма хорижий сармоялар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантиради, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди ҳамда мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, инфратузилманинг иқтисодий моҳияти ва унинг миллий тараққиётдаги ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, илмий асосланган хулосалар орқали давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш замон талабидир.

Адабиётлар шарҳи.

Инфратузилма иқтисодиётда тармоқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи, самарадорликни оширувчи ва умумий тараққиётни рағбатлантирувчи стратегик воситачидир. У нафақат транспорт, электр таъминоти ва

телекоммуникациялар сингари анъанавий соҳаларни, балки замонавий молиявий бозорлар, рақамли ва ахборот-коммуникация тизимлари, шунингдек, ижтимоий капиталнинг ривожланишини ҳам қамраб олади. Шу жиҳатдан инфратузилма мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайди, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий интеграцияни кучайтиради ва янги инвестиция йўналишлари учун асос яратади.

Инфратузилма замонавий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш ва самарадорликни таъминлайдиган, мулоқот ва ресурс тақсимотини енгиллаштирадиган асосий восита сифатида намоён бўлади. Масалан, молиявий инфратузилмалар банклар ўртасида рақобатни ошириб, капитал қийматини пасайтиради, омонатчилар сони ва маблағ ҳажмини кўпайтириб, натижада иқтисодий ўсишни рағбатлантиради (Amable & Chatelain, 2001). Шу билан бирга, транспорт инфратузилмаси мамлакат иқтисодиётида ресурслар ҳаракатини таъминлаб, товар ва хизматлар айланишини кучайтиради ва умумий самарадорликка ҳисса қўшади (Lebedeva et al., 2020).

Инфратузилма, шунингдек, “коммонс” (бу умумий ресурслар, масалан: сув, ҳаво, йўллар, тоза атроф-муҳит, боғлар, жамоат инфратузилмаси. Уларни бир шахсгагина эмас, балки бутун жамият биргаликда фойдаланади) сифатида кўплаб ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга хизмат қилади. У кўп ҳолларда кўзга кўринмас, аммо ҳаётий муҳим умумий ресурс сифатида намоён бўлиб, интернетдан тортиб қонун ва тилгача ижтимоий мулк сифатида фойдаланилади (Frischmann, 2012). Инфратузилманинг ушбу хусусияти уни “кўп мақсадли восита”га айлантиради, яъни муайян соҳада яратилган инфратузилма бошқа тармоқларда ҳам тараққиёт учун туртки бўлади (Romaniuc, 2013).

Шу билан бирга, инфратузилма капитални жалб қилиш жараёнида ҳам воситачи вазифасини бажаради. Масалан, пенсия жамғармалари каби институционал инвесторлар инфратузилма лойиҳаларига узоқ муддатли сармояларни йўналтириб, иқтисодиётда ликвидлик ва барқарорликни таъминлайди (Kok & Eichholtz, 2022). Бундан ташқари, краудфандинг платформалари орқали маҳаллий инфратузилмага халқаро сармоядорларни жалб қилиш имкониятлари яратилмоқда ва бу янги турдаги воситачиликнинг шаклланишидан далолат беради (Gasparro & Monk, 2020).

Инфратузилма сиёсий ва ижтимоий тартибга солиш жараёнларида ҳам муҳим рол ўйнайди. Хусусан, молиявий инфратузилмаларни марказлашмаган тарзда қайта ташкил этиш рискларни камайтириш ва адолатни таъминлашга хизмат қилади (Swanson, 2020). Шу билан бирга, демократик жараёнларда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари инфратузилманинг ижтимоий интермедиар сифатидаги аҳамиятини намоён этади (Müller, 2021).

Умуман айтганда, инфратузилма нафақат моддий объектлар мажмуаси, балки молиявий, ижтимоий ва ахборот оқимлари учун ҳам асосий воситачи ресурс ҳисобланади. У иқтисодий самарадорликни таъминлайди, ижтимоий адолат ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлайди ҳамда миллий тараққиёт учун стратегик платформа вазифасини бажаради.

Таҳлил ва нтижалар муҳокамаси.

Инфратузилма инсон капитали ривожига ва жамият фаровонлигига турли йўллар билан ижобий таъсир кўрсатади. Кенг қўламли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, электрлаштириш, рақамли инфратузилма ва транспорт тизимларини такомиллаштириш меҳнат бозорида иштирокни кучайтиради, таълим учун ажратиладиган вақтни кўпайтириб, соғлиқни яхшилади ва бу жараён инсон капитали ривожига туртки беради (Foster et al., 2023). Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришда оммабоп молиялаштириш моделлари, хусусан, аралаш молиялаштириш (бу хусусий сектор сармояларини жалб қилиш учун давлат маблағлари ва халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли ресурсларини

уйғунлаштириб қўллаш механизми) орқали капитал жалб қилиниши аҳолининг соғлиғини яхшилаш ва ижтимоий тенгликни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга (Oso et al., 2025).

Инфратузилма ҳудудлараро тафовутларни камайитиришда ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, Хитойда амалга оширилган “Broadband China Strategy” қишлоқ ҳудудларда иш ўринларини кўпайтириб, иш ҳақини 7–9% га оширган ва натижада шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иш ҳақи тафовутини қисқартирган (Duanmu et al., 2025). Жанубий Суданда эса транспорт, электр ва алоқа инфратузилмаси давлатлараро фарқларни қисқартиришга ҳисса қўшган, бироқ иқтисодий мустахкамлик ва технологик етакчилиكنинг етишмаслиги туфайли натижалар чекланган бўлиб қолган (Atem, 2025).

Шу билан бирга, инфратузилма аҳолининг ҳаёт сифатини ва ижтимоий бирдамликни оширишда муҳим восита ҳисобланади. Масалан, шаҳарлардаги “кўк-яшил инфратузилма”, сув ресурслари ва яшил майдонлар, нафақат жисмоний ва руҳий соғлиқни яхшилайти, балки ижтимоий уйғунликни мустаҳкамлайди ва инсоннинг табиат билан муносабатларини бойитади (McNabb et al., 2024).

Инфратузилма инсон капитали сифатини узоқ муддатли ўсиш орқали янада кучайтиради. Айниқса, саломатлик соҳасида инфратузилма ва инсон капитали ўртасидаги ўзаро боғлиқлик яққол кўзга ташланади. Масалан, Нигерия тажрибаси шуни кўрсатадики, салбий бошқарув шароитида соғлиқ инфратузилмаси иқтисодий ўсишга чекланган таъсир кўрсатган. Бу эса сифатли бошқарув ва самарали институтлар инфратузилмадан юқори самара олишнинг асосий шарти эканлигини тасдиқлайди (Ikpe et al., 2023).

Шундай қилиб, инфратузилма инсон капиталини ривожлантириш, ҳудудлараро тафовутларни қисқартириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий бирдамликни кучайтириш орқали узоқ муддатли барқарор ривожланиш учун асосий платформа ҳисобланади.

Бугунги кунда инфратузилма ривожланишида ташқи молиялаштиришнинг аҳамияти ва самарадорлиги жаҳон иқтисодиётида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан бири ҳисобланади. Хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар жисмоний инфратузилмани ривожлантиришда асосий омил сифатида намоён бўлиб, айниқса Суб-Саҳара Африкасида инфратузилма сифатини яхшилаш орқали узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва инвестиция муҳитининг яхшиланишига хизмат қилади. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тўғридан-тўғри инвестициялар кўпроқ физик инфратузилмага йўналтирилиб, ижтимоий инфратузилма, хусусан, инсон капитали ривожига унча катта таъсир кўрсатмайди (Noah & David, 2024). Бундан фарқли ўлароқ, расмий ривожланиш ёрдамнинг таъсири баҳсли бўлиб, у айрим ҳолларда инфратузилма ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолат, асосан, самарали бошқарув механизмлари етарли даражада шаклланмаган давлатларда кузатилади. Аммо кучли бошқарув тизими мавжуд шароитда расмий ривожланиш ёрдами инфратузилма сифатини яхшилаш ва ижтимоий тараққиётни рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин (Noah & David, 2024).

Инфратузилма молиялаштиришда хусусий иштирок (PPI), хусусан давлат-хусусий шериклик (PPP) моделлари муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги тажрибалар шуни кўрсатадики, кучли бошқарув тизими ва хавфларни самарали тақсимлаш механизмлари мавжуд ҳолларда хусусий иштирок инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш имконини яратади. Суб-Саҳара Африкаси мисолида хусусий иштирок жисмоний инфратузилма ривожига ижобий натижалар берган бўлса-да, ижтимоий инфратузилма соҳасида унча катта самара кўрсатмаган (Noah & David, 2024).

Кениянинг “Vision 2030” дастури тажрибаси шундан далолат берадики, ташқи молиялаштириш инфратузилмани ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса-да, унинг самарадорлиги сиёсий ва ижтимоий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис

молиялаштиришдан ташқари самарали бошқарув, хавф таҳлили ва ички институционал салоҳиятнинг шаклланиши ҳам муҳим шарт ҳисобланади (Nguri et al., 2025).

Замонавий амалиётда самарали инфратузилма молиялаштириш моделлари давлат кафолатлари, рискларни тақсимлаш механизмлари, солиқ имтиёзлари ва юқори сифатли лойиҳалар учун кафолатли молиявий воситалар билан уйғунлаштирилади. Ушбу элементлар ташқи сармоядорларни жалб қилишни осонлаштириб, иқтисодий барқарорликка туртки бериши мумкин (Acharya et al., 2020).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ташқи молиялаштириш инфратузилмани ривожлантиришда муҳим ўрин тутди, аммо унинг ижобий натижалари фақат самарали бошқарув, хавфларни бошқариш ва аниқ мақсадли стратегиялар орқали таъминланиши мумкин. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва хусусий иштирок асосан жисмоний инфратузилмани кучайтиришда самарали бўлса, расмий ривожланиш ёрдамнинг таъсири кўп ҳолларда мураккаб ва шароитга қараб фарқ қилади.

Европа Иттифоқи ва АҚШда инфратузилмани молиялаштириш стратегиялари турлича ёндашувларга асосланади ҳамда ҳар икки ҳолатда ташқи молиялаштириш иқтисодий барқарорлик ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Европа Иттифоқида “Connecting Europe Facility” фонди транспорт, энергетика ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш учун асосий молиялаштириш воситаси сифатида хизмат қилиб, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий номуносиваликни камайитиришга қаратилган (Balakin, 2021). Шу билан бирга, COVID-19 даврида халқаро бонд чиқариш ҳажмининг ўсиши инфратузилма лойиҳаларини барқарор молиялаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилган, айниқса Европа ва АҚШда ташқи молия ресурслари улуши кескин ошган (Brzozowska, 2023).

Европа Иттифоқида давлат-хусусий шерикликлар орқали хусусий капитални жалб қилиш жараёни амалга оширилса-да, асосий сиёсий назорат институционал даражада ЕИнинг ўзида сақланиб қолмоқда (Prontera & Quitzow, 2024). Шунингдек, ЕИда ташқи қарз асосидаги молиялаштириш стратегиялари, хусусан, NextGenerationEU дастури доирасида климат ва инфратузилмага оид йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш йўналтирилган бўлиб, доимий бюджет қарзлаш имконияти ҳақидаги мунозаралар иқтисодий интеграция жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда (Grund & Steinbach, 2024).

АҚШ тажрибаси эса “Wall Street Consensus” модели орқали намоён бўлади. Унга кўра, инфратузилмани молиялаштиришда мезбон давлатлардан хатарларни камайитириш талаб қилинади ва бу хусусий капитални жалб қилишни рағбатлантиради. Бу ёндашув Европа Иттифоқининг кўп томонлама институтлар орқали кафолатланган ёрдам модели ва Хитойнинг давлат раҳбарликка асосланган модели билан таққосланади (Larsen, 2024). Шу билан бирга, АҚШ ва Европада crowdfunding платформалари (InfraShares, Citizenergy) каби ноанъанавий молиялаштириш воситалари ҳам тобора кенгайиб, инфратузилма лойиҳалари учун қўшимча капитал манбаи сифатида фаол қўлланилмоқда (Pranata et al., 2022).

Корхона молияси нуқтаи назаридан эса, АҚШ ва Европада молия сиёсати самарадорликка турлича таъсир кўрсатади: қарз миқдорининг ортиши актив рентабеллигига салбий таъсир этса, фонд бозорида акция баҳоларининг ўсишига туртки беради (Vintilă, 2024).

Юқоридагилар асосида таъкидлаш мумкинки, Европа Иттифоқи инфратузилмани молиялаштиришда институционал кафолатлар, кўп томонлама фондлар ва давлат бюджети орқали рискларни тақсимлашга асосланган тизимдан фойдаланади. АҚШ эса кўпроқ хусусий секторнинг иштирокига таянади ва хатарларни камайитириш стратегиясини марказий ўринга қўяди. Мазкур моделлар ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда давлатнинг роли, сармоядорлар ишончи ва молиявий барқарорлик даражасини белгилаб берувчи асосий омиллар сифатида намоён бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Инфратузилма ривожланиши мамлакат иқтисодий тараққиётида асосий стратегик устунлардан бири эканлиги назарий таҳлил ва халқаро амалиёт мисолларида яққол намоён бўлди. Назарий жиҳатдан инфратузилма иқтисодий ўсишнинг эндоген драйвери сифатида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, инсон капитали сифатини оширади, ҳудудий тенгликни таъминлайди ва хусусий сармояларни жалб этиш учун қулай муҳит яратади. Шу жиҳатдан у иқтисодий самарадорлик, ижтимоий барқарорлик ва сиёсий барқарорликнинг узвий боғловчи омилларидан бири сифатида баҳоланади.

Адабиётлар /Литература/Reference:

- Acharya, V., Parlato, C., & Sundaresan, S. (2020). *A Model of Infrastructure Financing*. ERN: Infrastructure & Public Investment (Topic). <https://doi.org/10.2139/ssrn.3689262>.
- Amable, B., & Chatelain, J. (2001). *Can Financial Infrastructures Foster Economic Development?* *Urban Economics & Regional Studies eJournal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1730201>.
- Atem, P. (2025). *Infrastructure Development and Economic Growth in South Sudan*. *International Journal of Poverty, Investment and Development*. <https://doi.org/10.47941/ijpid.2543>.
- Balakin, R. (2021). *Connecting Europe Facility in the system of joint financing of the EU critical infrastructure*. *Finansi Ukraini*. <https://doi.org/10.33763/finukr2021.10.061>.
- Brzozowska, K. (2023). *The Financing Structure of Global Infrastructure Projects*. *EUROPEAN RESEARCH STUDIES JOURNAL*. <https://doi.org/10.35808/ersj/3175>.
- David Aschauer, 1998. "Public Capital and Economic Growth: Issues of Quantity, Finance, and Efficiency," *Macroeconomics 9805016*, University Library of Munich, Germany.
- Duanmu, X., Yu, J., Yuan, X., & Zhang, X. (2025). *How Does Digital Infrastructure Mitigate Urban–Rural Disparities?. Sustainability*. <https://doi.org/10.3390/su17041561>.
- Foster, V., Gorgulu, N., Straub, S., & Vagliasindi, M. (2023). *The Impact of Infrastructure on Development Outcomes: A Qualitative Review of Four Decades of Literature*. <https://doi.org/10.1596/1813-9450-10343>.
- Frischmann, B. (2012). *Infrastructure: the Social Value of Shared Resources (Introduction)*. *Administrative Law eJournal*. <https://doi.org/10.1093/acprof:oso/9780199895656.001.0001>.
- Gasparro, K., & Monk, A. (2020). *Demystifying "localness" of infrastructure assets: Crowdfunders as local intermediaries for global investors*. *Environment and Planning A: Economy and Space*, 52, 878 - 897. <https://doi.org/10.1177/0308518X19887181>.
- Grund, S., & Steinbach, A. (2024). *Debt-financing the EU*. *Common Market Law Review*. <https://doi.org/10.54648/cola2024066>.
- Ikpe, M., Agu, S., & Okwor, S. (2023). *Reassessing the Empirical Relationship between Health Expenditure, Governance and Economic Growth in Africa: Analysis of Nigerian Data*. *Journal of Sustainable Business and Economics*. <https://doi.org/10.30564/jsbe.v6i3.5764>.
- Kok, N., Eichholtz, P., & Carlo, A. (2022). *Pension Fund Investment in Infrastructure*. 28th Annual European Real Estate Society Conference. https://doi.org/10.15396/eres2022_146.
- Larsen, M. (2024). *Any alternative to the Wall Street Consensus? Comparing the infrastructure financing models of the US, the EU, and China*. *New Political Economy*, 30, 34 - 47. <https://doi.org/10.1080/13563467.2024.2373078>.
- Lebedeva, O., Poltavskaya, Y., Gammaeva, Z., & Kondratenko, T. (2020). *TRANSPORT INFRASTRUCTURE AS THE FUNDAMENTAL FACTOR OF EFFECTIVE FUNCTIONING OF THE ECONOMY OF THE COUNTRY*. *Scientific Papers Collection of the Angarsk State Technical University*. <https://doi.org/10.36629/2686-7788-2018-1-125-130>.
- McNabb, T., Charters, F., Challies, E., & Dionisio, R. (2024). *Unlocking urban blue-green infrastructure: an interdisciplinary literature review analysing co-benefits and synergies between*

bio-physical and socio-cultural outcomes. *Blue-Green Systems*.
<https://doi.org/10.2166/bgs.2024.007>.

Müller, J. (2021). *Democracy's critical infrastructure: Rethinking intermediary powers*. *Philosophy & Social Criticism*, 47, 269 - 282. <https://doi.org/10.1177/0191453720987874>.

Nguri, J., Ochieng, D., & Wainaina, P. (2025). *The Influence of External Environmental to the Relationship between Infrastructure Financing and Success in Implementation of Kenya Vision 2030 Public Capital Projects*. *International Journal of Business Strategies*.
<https://doi.org/10.47672/ijbs.2596>.

Noah, A., & David, O. (2024). *External Financing, Governance, and Infrastructure Development: Evidence From Sub-Saharan Africa*. *CSID Journal of Infrastructure Development*.
<https://doi.org/10.7454/jid.v7.i3.1140>.

Oso, O., Alli, O., Babarinde, A., & Ibeh, A. (2025). *Blended Financing Models for Healthcare Development: Unlocking Capital for Sustainable Infrastructure in Frontier Markets*. *International Journal of Management and Organizational Research*.
<https://doi.org/10.54660/ijmor.2025.4.1.63-81>.

Pranata, N., Firdaus, N., Mychelida, E., & Hidayatina, A. (2022). *Crowdfunding for Infrastructure Project Financing*. *Advances in Business Strategy and Competitive Advantage*.
<https://doi.org/10.4018/978-1-7998-8524-5.ch015>.

Prontera, A., & Quitzow, R. (2024). *Who calls the shots? Development banks and the politics of de-risking in European external finance*. *Competition & Change*.
<https://doi.org/10.1177/10245294241303803>.

Romaniuc, R. (2013). *The simple economics of commons: a review of Brett M. Frischmann, "Infrastructure: The Social Value of Shared Resources"*. *International Review of Economics*, 60, 349 - 354. <https://doi.org/10.1007/s12232-013-0188-y>.

Swanson, T. (2020). *Decentralized Financial Market Infrastructures*. *PSN: Financial Institutions (Topic)*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3530996>.

Vintilă, A. (2024). *Does Financing Policy Impact the Financial Performance of the Pharmaceutical Companies in Europe and the United States of America?* *IBIMA Business Review*.
<https://doi.org/10.5171/2024.275634>.